

Олим ва фозил Хожа Саййид Аҳмад эшон



16:00 / 08.01.2022 1585

Ушбу мақола Наманган вилояти, Учқўрғон туманида жойлашган Хожа Саййид Аҳмад эшон мақбарасининг тарихини ёритишга бағишланган бўлиб, унда нақшбандия-мажзубия тариқатининг пири комили, олим ва фозили сифатида танилган Хожа Саййид Аҳмад эшон ҳаёти ва фаолияти илк марта тадқиқ қилинган.

19 асрда яшаб фаолият юритган, нақшбандия-мажзубия тариқатининг раҳнамоларидан бири Хожа Саййид Аҳмад эшон Дониёр эшон ўғли тахминан 1800-1802 йилларда Наманган шаҳри, Чуқур кўча даҳаси (олдинги Варовский кўчаси)да Хожа Дониёр хонадонида таваллуд топди. Унинг насл-насаби бир томондан Шайхонтоҳурга, иккинчи томондан эса, пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга етиб боради.

Отаси Хожа Дониёр эшон нақшбандия тариқатининг намояндаларидан бири бўлиб, Чортоқ тумани Пиштқўрғон қишлоғида яшаб, Балиққўл зиёратгоҳида шайхлик қилган. Шунингдек Қўқон хонининг назарига тушган. Қолаверса, 1791-1845 йиллар орасида яшаган, кейинчалик Қўқон хони бўлган Шералихоннинг пири ва маънавий устози бўлган.

Хожа саййид Аҳмад эшон дастлабки таълимни отаси Хожа Дониёрдан олади. Кейинчалик Наманган шаҳри Дегрезлик даҳасидаги «Муҳаммад Азиз» мадрасасида таълимни давом эттиради. Мазкур мадрасанинг бош мударриси бўлган Абдулазиз Мажзуб[1] хонақоҳида узоқ йиллар шариат илми ва тариқат одобларини ўрганиб камол топади. Шу орада отаси Хожа

Дониёр Намангандан барча оила аъзоларини олиб, Чортоқ тумани Арбағиш (Балиққўл) қишлоғига кўчиб ўтади. Хожа Саййид ҳам отаси Хожа Дониёр билан у ерда илм маърифат ва зиё тарқатади. У халқ орасида Хожа Саййид, Хожа Аҳмад ҳамда Хожа Саййид Аҳмад эшон номлари билан танилади.

Бир куни устози Абдулазиз Мажзуб Хожа Саййид Аҳмадга: **«Тақсир тез У йчига борсангиз, бир азиз меҳмон келяпти, у кишини яхшилаб кутиб олсангиз»**, деб Арбағишга жўнатиб юборадилар.

Хожа саййид Аҳмад уйларига келсалар, оғироёқ аёли кўзи ёриб, ўғил фарзанд кўрган экан. Бобоси Хожа Дониёр унга Муҳаммад деб исм қўйибди. Ўша куни Хожа Дониёр ва Абдулазиз Мажзуб Намангонийларнинг Бухородаги пири устози бўлмиш Ҳусайн халифа оламдан ўтган эканлар. Халқимизда «Бир азиз вафот этса, ўрнига бошқа бир азиз дунёга келади», деган нақл бор. Мажзуб Намангоний ҳол илми билан юқоридаги воқеани каромат қилган эканлар.[\[2\]](#)

Хожа Саййид Аҳмад эшон нақшбандия-мажзубия тариқатининг пири комили, олим ва фозили сифатида шуҳрат топди. Устози Мажзуб Намангоний унга пири муршидлик қилиш ҳуқуқини берувчи иршод (йўриқнома, йўлланма) битиб беради. Ҳозирги кунда мазкур иршод унинг авлодлари хонадонида сақланади[3].

Тарихдан маълумки, Наманган ноҳиялари Қўқон хонлиги даврида хонлар ва тариқат пешволарининг саъй-ҳаркатлари туфайли аҳолининг маълум бир қатлами ўша жойларга кўчирилган. Натижада янги қишлоқ, овул ва шаҳарлар пайдо бўлиб, илм-фан ва маданият тараққий этган. Худди шу каби Қўқон хони Шералихон (1842-1845) ҳукмронлик қилган даврларда хон ва Мажзуб раҳимахуллоҳнинг кўрсатмасига биноан Хожа Саййид Аҳмад оиласи ва муридлари билан Чортоқдан Учқўрғонга кўчиб ўтиб, ушбу қўрғонга асос солади.

(Давоми бор)

Акрам Шарипов, мустақил илмий тадқиқотчи.

Чиноз тумани, Олмазор қўрғони.

[1] П.Қайюмов.Тазкираи Қайюмий. —Т.; ЎЗ.РФА қўлёзмалар институти тахририй нашриёт бўлими, 1998. Б. 187.

[2] Ушбу маълумотлар Абдулазиз Мажзуб Намангоний авлодларининг шахсий архивидан олинди.

[3] Силсилаи тариқати Нақшбандия-мажзубия.

-

-

-